

ТОШКЕНТ

ОҚШОМЛИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 43 (10.348)

2005 ЙИЛ 3 МАРТ

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни
Янгликлар, воқеалар

Кўча

● **БУГУН** Тошкент Давлат юридик институтида биринчи босқич талабалари иштирокида ўтказилган давра суҳбати мазкур илим масканининг Иқтисодиёт назарияси кафедраси ташаббуси билан уюштирилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида юнон маданият маркази ташкил этилганлиги бағишлаб ўтказилган тадбирда ўқитувчилар, талабалар, дипломатик корпус вакиллари иштирок эттишди.

● **КЕЧА** Фахрийларни қўллаб-қувватлаш Республика "Нуроний" жағфармаси қошидаги фаол аёллар уюшмасида Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланган тадбир ҳамда мазкур уюшманинг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Республика Қуролли Кучларининг Марказий офицерлар саройида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тарихи, бугуни ва келажаги" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

● **"ЗАРАФШОН"** ресторанида **ЭРТАГА** Юнусобод туман хотин-қизлар кўмитаси, туман савдо департаменти ҳамкорликларида туманининг фаол аёллари учун уюштирилаётган кеча Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланади.

● **БУГУН** "Наврўз" ресторанида Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан пойтахтга ташриф буорган фермер аёллар иштирокида ўтказилган тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЎТГАН** кунни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида "Маънавият кўни" тадбири доирасида ўтказилган "Терроризм ва ёшлар" мавзусидаги давра суҳбатига талабалар, Республика бош прокуратураси, ИИВ матбуот маркази ходимлари иштирок эттишди.

● **КЕЧА** Тошкент юридик коллежида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов туман Кенгаши томонидан уюштирилган тадбир "Гийёҳвандликка қарши кураш" деб номланди.

● **ЭРТАГА** Чилонзор туманидаги "Дўмиробод" қаҳвахонасида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман маданият бўлими ҳамкорликларида туманининг фаол аёллари иштирокида "Аёл ҳаёт чароғбони" мавзусида бадиий мусиқали тадбир ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Шаҳримизда тонг ёришмасданоқ йўловчилар хизматида автобуслар "ошиққади". "Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик компанияси тасарруфидаги "8-сонли автосарой" очик турдаги акциядорлик жамиятининг 14 та йўналишларда пойтахтликлар ҳамда унинг меҳмонларига намунали хизмат кўрсатишни эзгу мақсадлари деб билган жамоа ахли унумли меҳнат қилмоқда. Жорий йилнинг январь ойида акциядорлик жамиятининг ҳайдовчилари 4 миллион 814 минг нафар йўловчиларни ташиб, режани ортиги билан уйдлашди.

СУРАТЛАРДА: йўналишлардаги автоуловларнинг техник соғлигини таъминлашда салмоқли ҳисса қўшаётган уста чилангарлардан Рустам Алимов, Улмас Тимуров ва Хусниддин Носирхонлар ўз касбларининг ҳақиқий усталари ҳисобланадилар; яна бир автобус хизматига отланмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.



Ўзбекистон ва БМТ ўртасида кенг миқёсдаги ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Бундай фаол муносабатнинг шаклланишида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг халқаро интеграцияни қулайтиришга, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, давлатларо ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсати муҳим омил бўлмоқда.

БМТ дунё мамлакатлари учун ўзига хос минбардир. Унда Ўзбекистоннинг дунёда янги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, террорчилик, гийёҳвандликка қарши биргаликда курашишга оид қатор ташаббуслари кўп бор жаранлаган. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов БМТ минбар орқали дунё эътиборини Афғонистонга, Орол муаммосига қаратди. Ўзбекистон нукта назарининг нечоғли тўғри ва асосли эканлиги бугун кенг эътирофда.

БМТ Бош ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида ўтган «Мингйиллик саммити»да мамлакатимиз раҳбари халқаро террорчилик ва гийёҳванд моддаларнинг ноконуний савдосига қарши курашга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, БМТ фаолияти ва унинг тарихий тизимини ислоҳ қилишга доир қўллаб-қувватлов тақлифлари билдирилди.

Уша саммитда Президентимиз дунё жамоатчилиги эътиборини яна бир бор Орол муаммосига қаратди. Бугунги кунда Орол инқироzi жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Унинг салбий оқибатларини иқлимнинг ўзгариши ва биологик мувозанатнинг бузилишида, аҳоли саломатлигига таъсирини кўриш мумкин. Шу боис Президент Ислам Каримов экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликка кўмак бериш, халқаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф-муҳит муҳрфасаси бўйича халқаро дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгайтириш тузиш тақлифини билдирди.

1999 йили Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истанбул Президентлиги Ислам Каримов БМТ ҳузурида террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш гоёсини илгартириди. Мазкур гоё 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида террорчиликка қарши кураш кўмитасининг ташкил этилиши билан амалда ўз ифодасини топди.

Айни пайтда Ўзбекистон БМТнинг террорчиликка қарши 12 конвенциясининг барчасига қўшилган. Шунинг

дек, мамлакатимиз ташкилотнинг наркотрафикка қарши кураш бўйича қатор конвенцияларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

2000 йил 19-20 октябрда Тошкентда БМТ ва ЕХТ ташаббуси билан "Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гийёҳванд моддалар, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашда умумий ёндашув" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш масаласи Ўзбекистоннинг БМТ билан муносабатларида муҳим ўрнин тутди. Президентимиз томонидан илгори сурилган бу ташаббус Бош ассамблеянинг қатор резолюцияларида қўллаб-қувватланган.

Жорий йилнинг 7-9 февраль кунлари Тошкентда БМТ шафёлигида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шарҳнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг йиғилиши ўтказилди. Унда томонлар шартнома лойиҳаси матнини тасдиқлади. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш бўйича Тошкент баёноти имзоланди.

Мамлакатимизда БМТ ваколатхонаси ҳамда унинг шафёлигида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Тараққиёт дастури, Гийёҳвандликка қарши кураш дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби қатор муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунга келиб халқаро хавфсизлик масаласи билан боғлиқ янги вазият, янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши БМТ тузилмаларининг ислохотини тезлаштиришни тақозо этапти.

Ташкилотнинг барча минтақаларга бирдек эътиборини таъминлаш ҳам муҳим масалалардан бири. Шу маънода, БМТнинг Марказий Осиё мамлакатларига эътиборини янада қулайтириш зарурати бор. БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинг 2002 йил октябрда юртимизга ташрифи чоғида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ана шу масалани алоҳида таъкидлади. Кофи Аннан Ўзбекистоннинг дунёвий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги сайё-ҳаракатларини юқори баҳолади. Бу аса мамлакатимизнинг ушбу нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар орасида муносиб ўрнига эга эканини тасдиқловчи яна бир эътирофдир.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

XXI сағдоси
Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Андижон, Сирдарё вилоят фаоллари йиғилишида Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кўша мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби аъзолари иштирокидаги Кенгашида сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш муҳокама этилди.

● Тошкентда Ўзбекистон ҳукумати ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг кўшама "Атроф-муҳит" дастури ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамкорлигида атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда экологик индикаторларнинг аҳамиятига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

● Тошкентда Афғонистонни тиклаш йўлидаги ҳамкорликни ривожлантиришда товарлар ва хизматларни етказиш ҳамда илғор тажрибани ёйишга бағишланган бизнес форум ташкил этилди.

● Самарқанд Давлат университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейига Туркия Республикаси Бош вазир Девони ҳузуридаги Туркия ҳамкорлик ва тараққиёт идораси томонидан беғариз ёрдам сифатида тўртта компьютер синфи топирилди.

● Деновда мақомчилар дастаси ташкил этилди. Унга асосан ёш ижорчилар жалб этилган бўлсада, айна пайтда бахшлар фольклор санъати усталари ҳам даста қошида ўз маҳоратларини ошириб боришади.

● Фарғона туманининг Аввал қишлоғида «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурига бағишланган кўрғазмали семинар бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Англияда 23 мамлакатнинг юқори мартабали вакиллари иштирокида Яқин Шарқ масаласи бўйича конференция ўтказилди. Унда Фаластинга амалий ёрдам кўрсатишга келишиб олинди.

● Эроннинг Жануби-Шарқий қисмида жойлашган Керман музофотида Рихтер шкаласи бўйича 3,5 ва 4,5 баллик ер силқинишлари қайд этилди. Жабрланганлар ва вайронгарчиликлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

● Ирок пойтахти Бағдодда жангарилар Саддам Хусайн даврида фаолият кўрсатган юқори лавозимли ҳукумат вакиллари суд қилётган махсус трибунал аъзоси ҳамда унинг қариндошини ўлдирди.

● БМТ тинчликпарвар кучлари томонидан Конго демократик республикасида 50 нафар исёнчи йўқ қилинди.

● Киевдаги Бориспол халқаро аэропортида Украина хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан 582 грамм уранин яширинча олиб ўтаётган йўловчи қўлга олинди.

Транспорт

МЕТРОНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Йўловчилар учун ишончли транспорт воситасига айланган Тошкент метро-си хизматидан кўплаб кишилар фойдаланмоқда. Метрополитеннинг Юнусобод йўналишида қатнаётган ерости поездлари ҳам йўловчилар билан гавжум бўлаётди.

Шу йўналишда яна учта бекат қурилиши режалаштирилган. Уларнинг лойиҳалари Тошкентметро-лояиҳа институти мутахассислари томонидан тайёрланди. Шунингдек, янги бекатларни бунёд этиш учун бир қанча инвесторлар ҳам жалб этилди.

Шу билан бирга Сергели метро йўлини очиши бўйича ҳам катта тайёрлик ишлари олиб борилмоқда. Ана шу йўналиш бўйича тайёрланган лойиҳада поездлар қатнови йўлининг очиқ усулда қурилиши кўзда тутилди. Собир Раҳимов — Сергели йўналишида ҳам янги поезд вагонлари қатнайди.

МУСТАҲКАМ ТЕХНИК НЕГИЗ

“Тошшаҳар йўловчилар-ранс” акционерлик компаниясига қарашли “4-автобус саройи” ўзининг моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш йўлида тадбиркорлик билан иш олиб бормоқда.

Ҳозир саройда “Мерседес-Бенц” русумли автобуслардан 52 тасидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, немис-турк транспортчилари ишлаб чиқарган “Конекто” автобуслари ҳам йўловчиларга яхши хизмат қилмоқда.

Корхонада рационализаторлик тақлифларига амал қилган ҳолда техник негизни янада мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ишлаб чиқилди.

МАВСУМГА ТАРАДДУД

Сихат-саломатлик йили муносабати билан биринчи автобус корхонасида қатор тадбирлар белгиланди. Бу йил корхона транспортчилари ўз саломатликларини қатор санаторийларда мустаҳкамлаш имконига эга бўладилар.

Компаниянинг “Трамвайчи”, “Стрельцов” дам олиш уйларида эса ёзги дам олиш мавсумига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Уларда корхонанинг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари имтиёзли йўланмалар билан ўз саломатликларини тиклайдилар.

Олим ВАҲОБОВ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ТАЪСИРЧАНЛИККА ЭРИШИШ ДАРКОР

«Тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакиллариغا нисбатан муносабатимиз тубдан ўзгаришишимиз керак. Минг афсуски, ўзимиз яхши қонунлар яратамиз-у ўзимиз уларга қатъий риоя қилмаймиз. Тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди».

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонуқчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида билдирган ушбу фикри биринчи навбатда назорат органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро солиқ, банк ёки адлия органлари бўладими, уларнинг бари тадбиркорлик тузилмаларига назоратчи мезонидан келиб чиқиб фақат хато ва камчилик ахтарган ҳолда фаолиятига ғов ёки тўсиқ бўлиши эмас, балки айнан қонуний ва барқарор ривожланиши йўлида ҳар томонлама кўплаб-қувватлаши ва амалий ёрдам кўрсатиши лозимдир. Куйидаги рақамлар эса фикримизни янада ойдинлаштиришга асос бўла олади. 2004 йил якунлари бўйича пойтахтимизда 4,5 минг кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди, таҳлилларга қараганда, шунчасининг фаолияти тугатилган ва қайд этилган 24,5 миңдан зиёд хусусий бизнес субъектларининг ҳар тўрттасидан биттаси амалда ишламайди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши назорат органларининг ҳўжалик субъектлари бўйича текширувларни режалаштириш ва уларни ўтказиш борасида қонун талабларига тўлиқ риоя этиши масалаларига бағишланди. Унда тегишли идоралар томонидан 2004 йилда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Ўтган давр мобайнида назорат органлари томонидан мажмуавий тарзда 14,897 та текширув ўтказилди. Шундан молиявий-ҳўжалик фаолияти текширилган субъектларнинг 83 фоизда турли қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, бюджетга қўшимча 167 миллиард сўм ҳисобланди.

Бундан ташқари, солиқ идоралари томонидан ўтказилган 6224 та текширувнинг 86 фоизда ҳам камчиликлар аниқланди ва маҳаллий бюджетга қўшимча 97,8 миллиард сўм, қиска муддатли текширувлар натижасида 1,5 миллиард сўм ҳисобланди.

Умуман олганда, ҳисобот йилида ўтган даврга нисбатан текширувлар сони 6025тага қисқарди. Идораий текширувлар кузатилмади, ушбу йўналишдаги ишлар мажмуавий равишда, барча назорат органлари бир-бири билан келишган ҳолда олиб борилди.

Янги жорий этилган тизим — аудиторлик текширувлари натижаси солиқ идораларига тақдим этилиши муносабати билан эндиликда текширув субъектлари рўйхати тайёрланиши жараёнида албатта у ёки бу корхона-ташкилотдаги қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги хусусида аудитор хулосаси эътиборга олинishi лозим бўлади.

Шу билан бирга таҳлиллар шуни кўрсатадики, назорат органлари томонидан рўйхатга асосси, текширувга мойиллик борлигига аниқлик киритилмаган, дастлаб ўрганилмаган субъектларни киритиш ҳоллари ҳануз давом этмоқда. Жумладан, тасдиқланган режада 12,614 та субъектдан 979 таси текширувдан четда қолган. Хусусан, 136 тасида субъект тугатилган ёки расмий равишда қайд этилган манзил бўйича аниқланмаган, баъзиларида раҳбари йўқлиги текширувлар натижаси бесапар бўлаётганидан далилдор.

Айрим назорат органларининг бюджетга ҳисобланган маблағларни ундириш масаласида талабчанлиги сезилмайди. Жорий йилнинг 1 январига қадар қонун-қоидалар бузилишига йўл қўйган субъектлардан 25 миллиард сўм — умумий ҳисобланган маблағнинг фақат олтидан бир қисмини, солиқ идораларининг текширувлари асосида ҳисобланган маблағларнинг 22,5 миллиард сўми — атиги бешдан бир қисмини ундиришга эришилди. Бу эса маҳаллий газнага 217,3 миллиард сўмга тенг тушувлар таъминланмаганини билдиради. Демак, текширувлар қўтилган натижаларни бераётир дейиш учун яна ҳаракатни давом эттириш лозимдир.

Маълумки, туманларда тугатиш комис-

сиялари фаолият юритади ва улар томонидан 2004 йил давомида 513 та корхона ва ташкилотлар бўйича ҳўжалик субъектлари аризаларига мувофиқ тугатиш ишлари олиб борилган. Шу билан бирга тўлов қобилиятига эга эмас ва бюджетга катта боқимандаси мавжуд бўлган 4957 та ҳўжалик субъектларига нисбатан фаолиятини тугатиш юзасидан қарор қабул қилинган.

Комиссия йиғилишида назорат органларининг ҳамкорлик ҳаракатларида муваффақият етишмаслиги режа-жадвалга тугатилган ёки шу жараёндаги корхоналарни киритиш ҳолларига асосий сабаб бўлаётганига эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида шаҳар Молия бош бошқармаси, Молия вазирлиги шаҳар назорат-тафтиш комиссияси, «Саноат-техназорат» агентлиги, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасида ҳамда шаҳар архитектура-қурилиш инспекциясида, шунингдек Бектемир, Сергели, Яққасарой ва Акмал Икромов туман ҳудудий комиссиялари фаолиятида текширишларни тартибга солиш борасидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ўрганиб чиқилди. Текширувлар натижасида ҳўжалик субъектларини режа-жадвалга киритиш жараёнида айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди ва бу ҳақда кейинчалик барча ҳудудий комиссиялар ва назорат органларига йўл қўйилган хатоларни қайтармаслик мақсадида ўрганиш учун юборилди. Шунга қарамадан, айрим назорат органлари томонидан 2005 йил учун текширув субъектлари рўйхатини тайёрлашда ўша корхоналар фаолияти ўрганилмаган, дастлаб таҳлил қилинмаган қўшиб берилгани яна аниқланди. Шу сабабли шаҳар назорат органлари томонидан режа-жадвал буюртмаларига киритилган 2003-2004 йилда текширилган — 1014 та, тармоқлар таркибига кирмаган — 105 та, фаолияти умуман ёки вақтинча тўхтатилган — 138 та, Республика Кенгаши рўхсати билан олдин текширилган — 6 та, солиқ органлари иштирокисиз киритилган — 1154 та ҳўжалик субъектлари 2005 йил текширув режа лойиҳасидан чиқарилди.

Назорат органлари томонидан бу борада камчиликларга йўл қўймаслик тўғрисида ҳисобот даври давомида ҳар бир шаҳар йиғилишларида такрор ва такрор таъкидланиб, тегишли қарорлар ҳам қабул қилинган. Аммо шунга қарамадан 2005 йил режа-жадвали бўйича текширувлар бошланганда, январь ойининг ўзига фаолияти 1-1,5 йил илгари тўхтатилган ёки индий иш бўйича текширилган бир нечта корхоналар ҳам аниқланган.

Меъёрий талабларга мувофиқ Республика Кенгаши ва унинг ҳудудий комиссияларининг барча қарорлари назорат органлари томонидан тегишли профлактик чоралар қўрилган ҳолда муҳокама этилиши талаб этилади. Бироқ жойларда ҳар доим ҳам юқори органларнинг топшириқлари ижросига нисбатан масъулият билан ёндошув сезилмайди. Ҳудудий комиссиялар қарорларига нисбатан совуққонлик оқибати ўлароқ 4 та тижорат банки ва 15 та солиқ идораларининг мансабдор шахсларига нисбатан тегишли маъмурий ва интизомий чоралар қўрилди.

2004 йил давомида «Ишонч телефони» орқали тадбиркорлардан 38 та кўнгирок бўлиб, уларнинг аксарияти назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширувлар қонунийлигига тааллуқлидир. Хусусан, «Навбахор-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати бош бухгалтерия мурожаати бўйича ўрганиш ўтказилиб, назорат органлари томонидан ҳаракатлар ҳаққонийлиги аниқланган бўлса, «Электромаш» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раиси Д.Лимнинг шикоятга юзасидан ўтказилган текширувда туман прокуратураси томонидан текширувларни қайд этиш китобда ҳақиқатан камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди ва бу ҳақда ваколат доирасида шаҳар Адлия бошқарма-

сига чора қўриш учун талабнома хати юборилди.

Республика Кенгаши қарорига асосан шаҳар Адлия бошқармаси ходимлари томонидан шаҳар давлат солиқ бошқармаси тизимида тадбиркорлар фаолиятига алоқадор мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича қонун ҳужжатларининг бажарилиши ўрганиб чиқилди. Аниқландики, 2004 йилнинг январь ойида Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан «Беш панжа» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «Ал Эҳром» хусусий фирмалари фаолияти қонуний равишда, яъни тегишли рўхсат берувчи ҳужжатга ўзбошимчалик билан ўзгартиришлар киритилган ҳолда ўтказилган. Ўз навбатида, туман ҳудудий комиссияси томонидан солиқ бошқармасига тақдим этилган ҳисоботда қайд этилган ҳўжалик субъектлари тўғрисида бирон-бир маълумот берилмагани ҳам туман солиқ инспекцияси ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари яна бир бор ўз тасдиғини топди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакики, шаҳар Адлия бошқармаси маълумотларига қараганда, тадбиркорлик субъектларидан тушаётган шикоятлар асосан солиқ ва банк тузилмаларига нисбатан бўлиб қолмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда комиссия йиғилишида шаҳар Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасига ЎзЛиДеП вакиллари билан ҳамкорликда доимий равишда тадбиркорлар орасида хусусий бизнесни такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасидан фикр-муҳоказалар ва тақлифларни ўрганиш ва бу ҳақда мувофиқлаштириш кенгашига тақдим этиш тақлифи билдирилди.

Йиғилишда шунингдек, Мирзо Улугбек тумани ҳудудий комиссиясининг фаолияти муҳокама этилди. Ҳисобот даврида туман назорат органлари томонидан 478 та, шу жумладан 140 та режадан ташқари текширувлар ўтказилган. Бироқ бу борада рўйхатлар тасдиқланишидан анча аввал ўз фаолиятини тугатган 7 та ҳўжалик субъекти аниқланган. Шу билан бирга солиқ инспекциясида аудит ҳўсалари бўлишига қарамадан, режавий текширувларга бюджетга қарзи бўлган субъектлар киритилмаган, тугатилган корхона ва ташкилотлар юзасидан «солиқ тўловчилар» ахборот негизига ўз вақтида ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмаганига эса режа-жадвалда текширувга мойил бўлмаган субъектлар қайд этилишига сабаб бўлган. Бундан ташқари, «Ўзуй-жоймагарма» банки Меҳнат бўлими томонидан текширувлар борасидаги қонун талаблари бажарилмагани, шаҳодатдан ўтмаган ходимлар текширувга жалб этилгани, Ўзбекистон Миллий банкининг туман бўлимида меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилгани аниқланган.

Йиғилишда текширув субъектлари рўйхати тайёрланишида ҳар бир субъект бўйича тегишли тузилмалар орқали мажмуавий солиштирувлар ўтказилиши ва доимий равишда ўзгаришлар киритиб борилиши, назорат органлари томонидан ўз ахборот базаларига тугатилган, ишламаётган ва илгари текширув ўтказилган корхоналар юзасидан маълумотлар тўлаб борилиши тизимини жорий этиш муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, жорий йилнинг 2-4 чоракларига режалаштирилган текширув субъектлари рўйхати яна бир бор қўриб чиқилиб, бу борада таъсирчанликка эришиш лозимлиги таъкидланди.

Комиссия йиғилишида шаҳар ҳамда туман комиссиялари фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан ахборот тингланиб, бу борада режали, режадан ташқари ва қиска муддатли текширувларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш жараёнида қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга тўлиқ риоя этган ҳолда ҳўжалик субъектларининг, хусусан тадбиркорлар ҳуқуқларининг поймол қилинмаслиги ўқдириб ўтилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Мағлим

**МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ**

Тошкент Давлат техника университетида амалга оширилаётган магистрлик диссертациялари янгича гоғлар илгари сурилайётганлиги билан ажралиб турибди. Олий ўқув юрти компьютер технологиялари факультетининг икитидорли магистранти Жавоҳир Азизов эса «Виртуал бейсик электрон дарсликларни яратиш иловаси» деган мавзуда диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ушбу изланиш университет кутубхонасидаги электрон дарсликлар, Интернет тизими маълумотларини ўрганишда қўл келди.

Бу толиби илмнинг «Тасодифий электр росигналларни спектрал таҳлил қилиб, тиббиётда қўллаш масалалари» деган илмий изланиши эса ниҳоясига етай деб қолди.

Кафедрада «Компьютер тармоқлари иш унумдорлигини ошириш», «Компьютер хавфсизлиги» мавзуларида ҳам магистрлик диссертациялари устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**ҲАМКОРЛИК ҚЎЛ
КЕЛМОҚДА**

Тошкент Молия ва иқтисодиёт коллежининг ўқув-моддий негизини мустаҳкамлаш йўлида катта ҳажмда ишлар олиб борилди. Бу эса мутахассислик йўналишларига оид касб-хунарларни пухта ўзлаштириш имконини бермоқда.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётига бўлган қинокималарини оширишга ҳам эътибор қўйилди. Бунда, шубҳасиз, тегишли корхоналар билан ҳамкорлик қўл келмоқда. Шу ўринда «Пахта-Камола» кўшма корхонаси, Тошкент «Пахта-саноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ва шунга ўхшаш бошқа корхоналар билан яқин алоқаларни кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Бундан ташқари «Ўзсаноат-урилишбанк»нинг Сергели туман бўлими, Яққасарой туман молия бўлими сингари молия идоралари билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Беш йилга мўлжаллаб тузилган шартнома бўйича коллеж ўқувчилари муайян корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, ўзлари танлаган касб-хунарларни пухта эгалламоқдалар.

**КАФЕДРАНИНГ
КИЧИК КОРХОНАСИ**

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг матбаа ва босма махсулотлар дизайни кафедраси ўзининг бой техник негизига эга. Бу эса ўқув жараёнини ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш учун кенг имконият беради.

Талаба ёшлар эгаллаётган мутахассисликларини янада пухта ўзлаштириш мақсадида кафедранинг кичик корхонаси ташкил этилди. «Тасвир-текст» деб номланган бу корхонада матбаачилик ишларини олиб бориш учун мустаҳкам техник негиз яратилди. Замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозир корхонада бюроумалар асосида бланкалар, гувоҳномалар ва турли таклифномалар қўллаб тайёрланмоқда. Махсулот ишлаб чиқариш «Еш матбаачилар» тўғраги аъзолари, кафедра талабалари томонидан адо этилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Маърузада коммунал хизмат, айниқса, иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув истеъмолини ҳисобга оладиган асбоб-ускуналарнинг етарли даражада эмаслиги ҳамон жиддий муаммо бўлиб қолаётгани таъкидланди. Бу эса ресурсларнинг қўллаб исроф бўлишига, тарифларнинг асоссиз ўсишига, аҳоли қарздорлигининг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Мазкур соҳада мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлигига қарамай, аҳоли ўртасида ҳамон уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) тўғрисида тўла маълумот йўқ. Ширкатни бир пайтлар уйлари идора қилган ЖЭКлардан фарқламайдиган, унинг фаолиятига аҳолидан тўлов йиғадиган «ортиқча» ташкилот деб қарайдиганлар қўллаб топилади. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонунда хонадон соҳиблари ҳамда УМШларининг умумий мулкни бошқаришдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўла ўз аксини топган.

Айтилик, қўп қаватли уйнинг юқори қаватидаги кўшимчи қиш ва баҳор фаслида томдан чакки ўтишидан, биринчи қаватда яшайдиганлари эса йил бўйи паша ва зах муаммосидан азият чекади. Бир қарашда ўрта қаватлардаги хонадонлар эгаларига таллуқли эмасдек кўринадиган бундай муаммолар аслида шу иморатда истикомат қиладиганларнинг барчасини ташвишлангирмоғи зарур. Иморатни юқоридан емираётган ёгинсочин ва пойдеворидан ураётган зах охири-оқибатда бутун бинога зарар етказиши.

Кувурлар теъда чириб, уйнинг санитария ҳолати ёмонлашади. Турли касалликлар келиб чиқади. Табиийки, бундай уйда яшаш нафақат ёқимсиз, балки ҳаёт учун хавфли ҳамдир. Ҳамонки қўп қаватли уйнинг умумий мулкдан шерикликда фойдаланар эканмиз, иморатни зарур техник ва санитар ҳолатида сақлаш борасидаги мажбурият барчамизга бирдек тегишли эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳўш, бундай умумий мулкдан унумли ва тўғри фойдаланмоқ учун нима қилмоқ керак? Бунинг учун битта ёки бир нечта қўп қаватли уйнинг хонадонлари соҳиблари ағона УМШга жиғиласмоғи лозим. Шунда улар умумий мулкни бошқариши, қонунчиликда белгиланган тартибда тасаруф этиши мумкин. Бошқача айтганда, яхлит бинони тўқис сақлашнинг чораси умумий мулкни УМШ ёрдамида бошқаришдир.

Кўпчилик хонадонлар соҳибларини қўп қаватли уйларида коммунал тўловларнинг миқдори турлича экани қизиқтиради. Бунда ширкат аъзолари, яъни хонадонлар эгалари иштирокида қабул қилинадиган йиллик даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда унинг ижроси мазкур нарх-навои белгилашда асосий омилдир. Бошқача айтганда, тўловлар суммаси йил давомида бажарилиши лозим ишларнинг умумий ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади. Тўлов миқдорининг паст ёки юқорилиги хонадон соҳиблари — мажлис иштирокчилари тасдиқлаган ишларнинг қўламига боғлиқ.

Ширкатлар ишидаги асосий камчиликлардан бири хона-

донлар соҳибларининг умумий мажлисдаги иштирокини таъминлаш ва уларга тегишли тартибда ҳисобот бермаслиги билан боғлиқдир. Ҳолбуки, ҳар қандай ширкат аъзоси ширкат бошқарув аппаратида унинг фаолияти билан боғлиқ ишларни маълумотни олишга, ҳисобот талаб қилишга ҳақли. Аммо қўп ҳолларда ширкат раҳбарияти аҳолининг ҳақли талаб ва эътирозларига нисбатан бепишанд муносабатда бўлаётгани сир эмас.

Ширкатларнинг қанча уй-жойнинг бошини қовуштиргани ҳам муаммоларни ечишда муҳим аҳамиятга эга: Баъзи

раларга хизмат кўрсатиш шифтаги пугур этади, ширкат ифтимон борича арзонроқ, мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида бажариш пайида бўлади. Подъездлардаги қуйи-дан чироқларни алмаштириш, бузилган лифтни созлаш, пугурдан кетган ертўла ва томи, шатталарни таъмирлаш яна хонадон эгаларининг зиммасида қолаверади. Натижада ҳақли савол туғилади: «Ўз муаммосини ўзимиз ҳал қилсам, ширкатга пул тўлаб нима қиламиз?»

Бу борада юзага келган вазият йирик ширкатлар ўрнига умумий мулкни бошқаришга, ўз муаммосини ўзи ҳал

дек, аҳолиси 60 минг кишидан ошадиган, қўп хонадонли уйлارга эга шаҳарларда УМШларнинг уюшмалари ташкил этилади. Улар ширкатларнинг фаолиятини яхшилаш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйишга кўмаклашади. Уй-жойлар ҳамда уйлари атрофидаги ҳудудларни техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатда сақлаш, уй-жой фондини куз-қиш фаслига тайёрлаш ва ундан фойдаланиш масалаларида УМШнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш уюшмаларининг асосий вазифалари сирасига кирди. Шунингдек, улар УМШларнинг кадрлари ҳамда раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ҳам ташкил этади.

Қарорда вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига УМШ уюшмалари билан ишларни мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш борасида муайян вазифа ҳамда ваколатлар ҳам юклатилди.

Уй-жой-коммунал хўжалиги масалаларига мутасаддилар бошчилигида Уй-жой фондини сақлаш мониторинги комиссиялари тузилдиган бўлди. Кадастр, солиқ, молия хизматларининг, архитектура-қурилиш назорати, ички ишлар органларининг, маҳаллалари, УМШ уюшмаларининг вакиллари мазкур комиссиялар таркибига жалб этилади.

Шу йил 11 февралда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизми такомиллаштирилади ва масъулият оширилади. Тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўйилмайди, коммунал тармоқлардан фойдаланиш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Ана шу эзгу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Тарифлар ва уй-жой-коммунал хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар дастури бажарилиши мониторингини олиб бориш республика комиссияси ташкил этилади.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатиш коммунал хизматлар, шу жумладан уй-жойларнинг эксплуатация харажатлари экан аҳолидан нақд пул маблағларини кассаларни четлаб муштакил йиғиши таққулианиш нақд пул ноконуний айланишининг олдини олади. Уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчиларнинг коммунал хизматлар ҳақини, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлиги, шунингдек, УМШ самардорлигини оширишга қаратаётган бундай эътибор ўз самарасини бериши аниқ.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎЗ Шарҳловчиси

**УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ:
ИСЛОҲОТ
ДАВОМ ЭТАДИ**

Президент Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» маърузасида уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этишни устувор вазифалар сифатида қайд этди.

УМШлар таркибига 20-30, ҳатто ундан ошмироқ қўп қаватли уй бириштирилган.

Масалан, Тошкент шаҳридаги «Олтин Чўлпон» ширкати 34, «Коммуналчи Илҳом» ширкати 23 уй, Фарғона шаҳридаги «Сардор Н» ширкати 13 уйни бириштирган бўлса, Самарқанд шаҳридаги «Маърифат» ширкати 16, «Истиқлол» уй-жой мулкдорлари ширкати 13 та кўпқаватли уй ахлига «бошқоқ» бўлишни зиммасига олган. Бундай уйларида яшайдиган хонадон эгаларини, яъни икки-уч минг кишини ширкатнинг умумий мажлисида йиғиш ва барчасининг хоҳиш-истагини инobatга олиш қанчалар самарасиз юмуш эканлигини тасаввур этиш қийин эмас. Бундай мажлисларда муайян уй бўйича аниқ бир қарор қабул қилишининг, тайинли тўхтама қилишининг ўзи душвор. Бунга сабаб, биринчидан, унда мажлис ваколатчилигини таъминлайдиган аъзоларнинг ярмидан кўпини йиғишнинг имкони йўқ.

Иккинчидан, ҳар қайси уй вакиллари биринчи навбатда ўзларининг муаммолари ечилишини истаиди. Негаки, ҳар қандай хонадон эгаси бошқа қўп қаватли уйларида ташвишнинг ўзининг тўлови ёрдамида ҳал этилишидан манфаатдор эмас. Бу ҳол эса коммунал тўловни амалга оширишда сунъий оқсашни келтириб чиқариши табиий.

Иштирок этмаган хонадон эгаларининг номидан мажлисда қатнашадиган подъезд ва уй «вакиллари» яшовчиларнинг хоҳиш-иродасини ифода қилиш олмайдди. Қонуни мувофиқ ҳар бир хонадон эгаси ширкатда алоҳида овозга эга. Қолаверса, бундай норасмий «вакиллари» қўп ҳолларда яшовчилар манфаатидан кўра ширкат раиси хоҳишига мос келадиган қарорлар қабул қилинишини қувватлайди.

Натижада ўнлаб қўп қаватли уйлари бошқариш даъвосида юрган ширкатлар раҳбарлари ўзларини монополизм ҳис этади, юзага келган коммунал муаммоларни ечишга ўзлари истасида йўсинда ёндашади.

Сабаби оддий — кишилар истаса-истамаса, яққоҳим ширкатга мурожаат қилишга мажбур. Ўз-ўзидан кўринадики, бундай шароитда кварти-

етишга қодир ихчам УМШлар ташкил этишни тақозо қилмоқда.

Ўртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ташкил этилган-аксарият УМШлар турар-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш ишидан умуман беҳабар, тасодифий кишиларга топшириб қўйилганини катта ташвиш билан таъкидлади. Бинобарин, ширкатларда кишиларга нафидан кўра зарари кўпроқ тегадиган, мутахассис бўлмаган кишиларнинг чилангар, бухгалтерия ва бошқарув раиси сифатида иш юритаётгани ҳақли эътирозларга олиб келинмоқда. Аҳолидан йиғилган тўловларни мутлақо бошқа мақсадларга сарфлаш, катта миқдордаги маблағларни ўзлаштириш билан боғлиқ хунук оқибатларнинг негизида ҳам ана шундай ноқобилликни кўриш мумкин.

Ўртбошимиз маърузасида қайд этганидек, уй-жой-коммунал хўжалигидан фойдаланиш ва уни сақлаш борасида бозор механизми амалда шакллантирилмагани туфайли мавжуд муаммолар шошма-шошарлик билан, юзаки ҳал қилинмоқда. Бундай ҳолат учун, аввало, жойлардаги ҳокимликлар жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 10 февралда қабул қилинган «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳада юзага келган салбий аҳволни ўнлашга хизмат қилишга қаратилган. Қарорда қайд этилганидек, кейинги йилларда коммунал хўжалигини ислох қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш бўйича зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди. Бирок УМШлар билан коммунал хизмат кўрсатувчилар ўртасида шартномавий муносабатлар мустаҳкамланётганига қарамай, ширкатларни ташкил қилиш жараёни ва улар фаолияти юзакилигига қолмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ, эндиликда шаҳарлар — вилоят марказларида, Тошкент шаҳри туманларида, шунинг-

Абдурасул Нортоев Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида юксак мукофот — «Фидокорона хизматлари учун» орденига сазовор бўлганида ана шуни дилдан ҳис этди. Ахир бу 30 йиллик меҳнатлари самараси, машаққатларининг тотли меваси-да.

Одатда кўпинча оилада ўғил фарзанд отага ҳавас қилади, унга тақлид этади. Абдурасул ҳам болалигидан отаси ҳайдаган тракторга ўзгача ҳавас билан қаради. Уни бошқараётган отаси Хусанбой ақнинг ўрнида ўзини кўриш истагидан бўларди. Ана шу техникага бўлган ихлоси уни 21-хунар-техника билим юртига етаклади. Ҳам ўқиш, ҳам хунар сирларини эгаллаш, бўш пайтларида эса отасига кўмаклашиш техника ихлосмандининг тажрибаси ортишига сабаб бўлди. Албатта, унинг қизиқиш ва интилишларини кўп йиллардан буюн «Норуда» корхонасида меҳнат қилаётган ота-онаси ҳам қўллаб-қувватлашди. Ахир фарзандлари уларнинг изидан борса ёмонми: меҳнатда тобланади, одамларга фойдаси тегади, қуриляётган биноларда унинг ҳам муҳим ҳиссаси бўлади.

Шундай бўлди ҳам. Шубҳасиз ота-она дуоси ҳамиша Абдурасулни қўллади. Армия хизматидан қайтгач, отаси билан ёнма-ён иш бошлади. Энг керакли техника воситаларидан саналган бульдозерни бошқарар экан, мақсадига эришганидан қалби гурурга тўлди. Шу-шу жамоага, жамоа эса унга қадрдон бўлди. Ўзига топширган юмушни сидқиқидан ба-

жариш баробарида ҳамкасбларидан ҳам ёрдами аямади. — Нафақат катта, балки кичик бир

ди, янада сифатли, сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришга давлат этди. Бу ишларнинг муваффақи-

ютуғи — жамоамиз муваффақияти натижасидир, десак янглишмаймиз. Абдурасул ака меҳнатсеварлиги, камтарлиги, доимо ёрдамга шайлиги, оғир юмушлардан қочмаслиги билан барчага ўрнак, мукофоту мақтовларга муносиб инсон.

Халқимизда «От изини той босар» деган аjoyиб нахл борки, буни Нортоевлар сулоласи мисолида ҳам аjoyиб кўриш мумкин. Абдурасул Нортоев отасининг ўрнини босган бўлса, бугун унинг ўғли Абдурахим Нортоев ҳам падари билан ёнма-ён меҳнат қилмоқда, келгусида ҳам унинг ишларини давом эттиришга аҳд қилган. Шунингдек, экскаваторчилар бригадаси ютуғини таъминлашда салмоқли ҳисса қўшаётган Бахтиёр Хусанов, Йўлдош Мавлонқулов, Фаин Зирғазалар ҳам мукофот соҳибининг шогирду издошларидир. Механик уста Унирбой Қайназаров эса техникалар шайлигини таъминлашда уларга энг яқин кўмакчи.

Меҳнатнинг мукофоти — бу эл-юрт ишончи, ҳурмат-эътибор намунаси бўлиши билан бирга, инсонни янги ютуқларга ундовчи эзгу мақсад ҳамдир. Бугунги кунда тажрибали экскаваторчи Абдурасул Нортоев бунди дилдан ҳис этмоқда.

— Менга билдирилган катта ишонч меҳнат қилишга иштиёқимни янада орттирди, — дейди орден соҳиби. — Ана шу иштиёқ эса бунёдкорлик ишларида муҳим ҳисса қўлишига аминан.

Шарофат БАХРОМОВА
Суратларда: Абдурасул Нортоев; иш жараёнида.

Ишондорларимиз

ҚАЛБДА ИШТИЁҚ БЎЛСА...

Ҳар бир ютуққа меҳнат ва астойдил ҳаракат орқали эришилади. Ана шу ютуқ эса инсонни элга танитади, меҳнатнинг меваси сифатида обрў-эътиборга сазовор этади. Албатта, обрў-эътибор, юксак ишонч ўзидан келмайди.



қурилиш ҳам ўз-ўзидан амалга ошмайди, — дейди участка раҳбари Маъруф Шарипов. — Ана шундай бунёдкорлик ишларининг барчасида корхонамизда тайёрланаётган қурилиш ашёларидан кенг фойдаланилади. Албатта, мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан бунёдкорлик ишлари кўламининг янада ортганлиги масъулиятимизни ҳам ошир-



Маъбиркорлик

ЕНГИЛ ВА МУСТАҲКАМ

Бирорта бино ёки маҳобатли иншоот бунёд этилар экан, аввало унинг сифати ва мустақамлиги, салобати ва кўркамлигини таъминлаш учун қандай қурилиш ашёларидан фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилади. Негаки, иншоотлар бир-икки эмас, балки ўнлаб йиллар, асрлар оша хизмат қилиши унда амалга оширилган сифатли бунёдкорлик ишларини мустаҳкам ва рақобатбардош қурилиш ашёларига ҳам боғлиқ, десак асло муболага бўлмайди.

Аваллари дидимизга мос, қуриляётган иншоотларимизга хос қурилиш ашёлари хориждан келтирилган бўлса, тадбиркорликка қаратилган муҳим эътибор, очилган кенг йўл туфайли кўплаб импорт ўрнини босувчи ана шундай зарур материалларни замонавий технология, хорижий дастгоҳлар ёрдамида ўзимизда тайёрлаш имконияти яратилди. Металл ва алюмин эшик, ром ҳамда витражлар, рангли ойналар, металл черепицалар, мрамар плиткалар ва бошқа кўплаб шундай маҳсулотларимиз айна пайтда бемалол четиники билан рақобатлаша олади. Айниқса, уларнинг маҳаллий хом ашёлардан ҳам тайёрланаётганлиги, нархи бирмунча арзонлигига қарамай сифати ортиб бораётганлиги таъкидлашга арзидиган ҳол.

Ана шундай хорижий технологиялардан самарали фойдаланиб қурилиш ашёлари тайёрлаётган корхоналардан бири пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Хорижқурилиш» масъулияти чекланган жамиятидир. 1994 йилда ўз фаолиятини бошлаган ушбу корхонада импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёлари ва жиҳозлари ишлаб чиқарилишидан ташқари қурилиш-тиклаш ишлари ҳам амалга оширилади. Улар нафақат пойтахтимизда, балки мамлакатимизда амалга ошириляётган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиш баробарида, кўплаб иншоотлар қурилишига сифатли маҳсулотлар ҳам етказиб берилади. Энг асосийси эса тинимсиз изланишлар бозорини ўрганиш, бунёдкорлик юмушлари кўлами, талаб ва тақлифлар асосида иш юритиш, хори-

жий ҳамкорлар билан узвий алоқани йўлга қўйиш янги ва сифатли қурилиш ашёлари тайёрлашда кўл келмоқда. Корхона мутахассисларининг изланишлари асосида Германия технологиясидан фойдаланиб ишлаб чиқариляётган пенобетон (енгил бетон) маҳсулотига бугунги кунда буюртмалар сони ортиб кўплаб йирик иншоотлар қурилишида корхона маҳсулотларининг самарали қўлланилгани фикримиз исботидир. Албатта, бугунги кунда янгилик яратишга интилиш, маҳсулотнинг харидорғир, импорт ўрнини босувчи турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тадбиркорга яратилган шарт-шароитдан оқилона фойдаланиш давр талаби. Бунди тўғри англаган корхона мутахассислари пенобетон ишлаб чиқарадиган ускуна тайёрлашди. Ҳозирда ушбу технологик иланишлари республикамиз вилоятлари ва Россия давлатида сотилди. Шунингдек, Афғонистон ва Қозғистон давлатларига ҳам жорий йилда тайёрланган технологик қулай ускунани сотиш режалаштирилган.

— Қурилиш материалларининг рақобатбардош ва сифатли турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, — дейди корхона директори Алишер Мухаммадиев, — хорижликлар билан яқин ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Пенобетон ҳам ана шу ҳамкорликнинг натижасидир. Келгусида эса қурилиш ашёларининг янада сифатли турларини маҳаллий хом ашёдан тайёрлашни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш ҳажминини орттириш, кўшимча ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилган. Энг муҳими эса ўз изланишларимиз ва кўч-ғайратимиз билан бунёдкорлик ишларида фаол катнашиб, капитал қурилиш соҳасидаги ислохотларни амалга оширишга ҳамда қурилиш сифатини оширишга ҳиссамизни қўшамиз.

Шунингдек, кўп қаватли уйларда қурилган ўзига хос кўри-нишдаги гиштли иморатлар нафақат ташки чиройи, балки хонадон аҳлининг яхши яшашини учун яратилган барча қулайликлари билан ажралади туради. Пенобетонлар асосан маҳаллий хом ашёлардан тайёрланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхонада тайёрланаётган пенобетонлардан ҳозирда мамлакатимиздаги қурилиш майдонларида кенг фойдаланилмоқда. Пойтахтимизда алоҳида кўрк бағишлаган «Сенат» биноси, «Карвон» бозори, «Турон» меҳмонхонаси, «Гранд Дует» қўшма корхонасининг савдо маиший жаммаси, Тошкент тўқимачилик комбинати ва вилоятлардаги

бормоқда. Иссиқлик қувурлари, том, пол ва деворлар учун тайёрланаётган ушбу пенобетонлар сертификатланган бўлиб, буюртмачи талаби асосида бинолар қурилишига қараб 300-1200 килограмм метр куб ҳажмида ишлаб чиқарилади. Улар иссиқликни сақлаб туриши, оддий бетон маҳсулотига нисбатан енгиллиги, ўрнатишга қулайлиги билан ажралади туради. Пенобетонлар асосан маҳаллий хом ашёлардан тайёрланади.

БУНЁДКОР

Қурилиш майдонларида

БИРИ-БИРИДАН КЎРКАМ

Пойтахтимизда қад ростлаётган бири-бирдан кўркам, муҳташам иморатлар қаторида кўпгина оқиллар фаровонлигини таъминлаётган, уларни барча қулайликлари билан мамнун этаётган замонавий турар жой биноларининг ҳам ўрни алоҳида.

Изланувчан меймору қўли ли-ш-5» масъулияти чеклан-гул қурувчиларнинг самара-ли меҳнатлари маҳсули бўлган ана шундай кўп қаватли уйлар шахримиз кўча ва маҳаллаларига ўзгача ҳусн бағишлаб, кўрган кўзларни қувнати-ли ҳам куч-гайрат сарфлашмоқда. Утган йилда уларнинг саяёй-ҳаракатлари билан қад ростлаган 24 хонадон мустақилликдан илҳом олган бунёдкорларимизнинг нималарга қодирлигини ҳам намойиш этмоқда. Айниқса, кейинги йилларда пойтахтимизнинг Шохрисабз — Шевченко кўчаларида қурилган ўзига хос кўри-нишдаги гиштли иморатлар нафақат ташки чиройи, балки хонадон аҳлининг яхши яшашини учун яратилган барча қулайликлари билан ажралади туради. Ушбу кўчадаги уйларни бунёд этишда «Габус-қури-

ли-ш-5» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари ҳам куч-гайрат сарфлашмоқда. Утган йилда уларнинг саяёй-ҳаракатлари билан қад ростлаган 24 хонадон мустақилликдан илҳом олган бунёдкорларимизнинг нималарга қодирлигини ҳам намойиш этмоқда. Айниқса, кейинги йилларда пойтахтимизнинг Шохрисабз — Шевченко кўчаларида қурилган ўзига хос кўри-нишдаги гиштли иморатлар нафақат ташки чиройи, балки хонадон аҳлининг яхши яшашини учун яратилган барча қулайликлари билан ажралади туради. Ушбу кўчадаги уйларни бунёд этишда «Габус-қури-

ли-ш-5» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари ҳам куч-гайрат сарфлашмоқда. Утган йилда уларнинг саяёй-ҳаракатлари билан қад ростлаган 24 хонадон мустақилликдан илҳом олган бунёдкорларимизнинг нималарга қодирлигини ҳам намойиш этмоқда. Айниқса, кейинги йилларда пойтахтимизнинг Шохрисабз — Шевченко кўчаларида қурилган ўзига хос кўри-нишдаги гиштли иморатлар нафақат ташки чиройи, балки хонадон аҳлининг яхши яшашини учун яратилган барча қулайликлари билан ажралади туради. Ушбу кўчадаги уйларни бунёд этишда «Габус-қури-

ли-ш-5» масъулияти чекланган жамиятининг илғор қурувчилари. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Қасб-хунар насакларида

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ЭРТАМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Ҳар бир қасб-хунарнинг ўз сир-синаотлари бор. Уларни кунт билан ўрганган, етарли билим ва малака тўплаган киши, албатта қасбининг устаси бўлади. Шу жумладан, қурувчи, бунёдкорларни ҳам беҳижга шарафли қасб эгалари сирасига киритмаймиз. Чунки уларнинг куч-ғайрат, шижоату матонат билан бунёд этган иншоотлари дилларга завқ бағишлайди, юртимиз кўркини таъминлаш баробарида бунёд этувчи-ли шарафлайди, маҳоратлари намойишини кўз-кўз этади.

Бугунги капитал қурилиш соҳасида ҳам ислохотлар давом этаётган бир пайтда, албатта, соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Билим масканларида таълим олиб, хунар сирларини ўрганаётган ёш йигит-қизлар келгусида бунёдкорлар сафини тўлдирди, янгиликлар яратди, қуриш, яратиш, яшатиш йўлида меҳнат қилади.

Пойтахтимиздаги Ҳамза қурилиш қасб-хунар коллежида ҳам қурувчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда таълим олаётган йигит-қизлар барча фанлардан пухта билим олиш баробарида бўёқчи, сувочки, мармарга ишлов берувчи, дурадгор, паркетчи, ойна солувчи, мебелларни қопловчи, пардозловчи ва бошқа қасб сирларини ўрганадилар.

— Малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида нафақат фан кабинетлари, балки талабалар амалий машғулот ўтадиган ўқув-тажриба устаноналарини ҳам жиҳозлашга, керакли дастгоҳ ва ускуналар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди коллеж директори, физика-математика фанлари номзоди Қобилжон Муҳаммаджонов. — Қурилиш устанонамида этишиб чиқаётган бунёдкорлар учун керакли ускуналар ўрнатилган бўлса, дурдорлик устанонами ҳам Жанубий Корея ва Голландия келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Бу, албатта, бугунги кун талабига жавоб берадиган, янгиликларни тез илғаб оладиган кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият қасб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, талабалар аввало олган билим ва хунар сирларини ўз ўқув масканларида тажрибадан ўтказишади. Қурувчилик қасбини эгаллаётган ёшлар ҳар йили ёзги таътил даврида коллеж биносини жорий таъмирлаш ишларида фаол иштирок этишади. Жорий ўқув йилидан эса европача услубда таъмирловчи пардозловчилар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди.

Албатта, коллеж маъмуриятининг малакали кадрлар тайёрлашда қорхона ва ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлиги ҳам яхши самара бермоқда. Бўлажак бунёдкорлар пойтахтимиздаги етакчи қурилиш ташкилотларидан саналган «12-трест» акциядорлик жамиятида ўқув амалиётини ўташмоқда. Уларнинг бир гуруҳи ана шу трест бунёдкорлари раҳбарлигида кўркам Сенат биноси қурилишида фаол иштирок этиб, қурилишда янгича услублардан самарали фойдаланишни ўрганишди.

Коллеж моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талабаларнинг иқтидори ва қасб маҳоратини баҳолаш, моддий рағбатлантириш мақсадида дурадгорлик чеки ташкил этилди. Ҳозирда ушбу чехда буюртмага кўра парта, стул ва бошқа мебель маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда уларнинг кўчлиги вилоят қурилиш ташкилотларида, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида меҳнат қилишмоқда. Жорий йилда коллежни бунёдкорликнинг турли йўналишлари бўйича туга-тадиган 50 нафарга яқин мутахассис ҳам эътиборда. Кадр-



лар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичида коллеж жамоаси ҳам, албатта сифат, мутахассисларнинг замон талабига жавоб бериши муҳим аҳамият қасб этишини яхши англашмоқда. Зеро, ҳар бир яхши кадр — қасб-хунар масканининг эртаси ва истиқболи, қилинган меҳнатнинг меваси.

Дилноза СОДИҚОВА
СУРАТЛАРДА: дурадгорлик устанонаси устаси Дилшод Имминов ҳар бир талабага қасб сирларини алоҳида тушунтиради; бўлажак гишт терувчилар.

СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИ

Ҳамза туманидаги футболга ихтисослашган мактаб-интернатда 800 ўринга мўлжалланган янги спорт-соғломлаштириш мажмуаси бунёдга келди.

Опти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар шугўлланиши учун қурилган ушбу спорт мажмуасидан ёзги ва усти ёпиқ 40х90; 65х11 ҳажмли футбол майдонлари ўрин олган. Утган йил бошларида қурилиш ишлари бошланган ушбу мажмуага Тошкент шаҳар болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда туман ҳокимлиги томонидан 350 миллион сўм маблағ ажратилди. Замон талаблари асосида қад ростлаган ушбу мажмуа қурилишида «159-трест» акциядорлик жамиятининг 8-қурилиш бошқармаси қурувчилари жонбозлик кўрсатишди.

— Қурилиш-монтаж ишларидан тортиб то пардозлаш ишларигача бўлган жараёнда 72 нафарга яқин қурувчи иш олиб борди, — дейди 8-қурилиш бошқармаси бош мухандиси Маҳаммаджон Аҳмаджонов. — Мажмуа пардозлаш ишларини трестнинг 21-қурилиш бошқармаси ишчилари амалга оширишди. Албатта — бизнинг соҳада ишловчи кишилар учун биринчи ўринда чидам, кўникма ва тажриба ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Кишининг қаҳратон кунарига, ёзининг жазирамасига парво қилмай ишлаш, албатта чидамлилигини, сабр-бардошни талаб этади. Айни пайтда қурилиш трестимизда Ўқтам Турғунов, Иброҳим Зоитов, Ўрол Қаҳоров сингари қўли гул бунёдкорларимизнинг борлиги бизни фахрлантиради.

Юқорида зикр этилган қурувчи-бунёдкорлар саяё-ҳаракатлари билан 7 ойда қуриб битказилган ушбу мажмуада ҳозирда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Футбол майдонини — Наврўз байрамида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бундан ташқари туман ҳудудида «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти томонидан ёшларнинг спортини ривожлантириш мақсадида қурилиш ишлари бошлаб юборилган. 2004 йил 10 мартда лойиҳалаштириш амалга оши-

Дунгани ганна

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

Бахтиёр ҚОБИЛОВ, хусусий фирма раҳбари: — Юртимизда капитал қурилиш соҳасидаги ислохотларни амалга оширишга эътибор қаратишда тендер савдоларининг ҳам ўзига хос аҳамияти бор. Бу савдолар буюртмачига таллаш имкониятини яратиб, ўзи хоҳлаган, тез ва сифатли, эҳтиёжига яраша қарадиган қурилиш ташкилотига ишонч билдиради.

Ҳозирда юртимизда катта-катта қурилиш ташкилотларидан асло қилинмайдиган, сифат ва муддатта эътибор қаратадиган, малакали кадрларга эга кичик хусусий корхоналар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Лекин айрим ҳолларда ўтказилаётган савдоларда кўпгина ўзлари билган, таниган йирик қурилиш ташкилотларини қақаришади. Менимча, уларнинг сафини хусусий қурилиш фирмалари билан тўлдириб, уларга ҳам имкон бериш керак. Бу, албатта қурилиш сифатига ижобий таъсир кўрсатади, чунки катта қурилиш ташкилотлари билан бемалол рақобатлаша оладиган фирмаларимиз сифати ортмоқда. Ахир халқимиз беҳижга «Кичкина деманг бизни...» дейишмайди-ку.

ИМТИЗЭЛАР ИМКОН ЯРАТМОҚДА
Қобил ДАВРОНОВ, хусусий фирма менежери:

Ҳайт сабоқлари

ОНАСИНИ КЎРИБ, ҚИЗИНИ ОЛ!

Оила «маликаси» қиз болани тарбиялаган она бахтлидир. Чунки у мамлакатимизга энг керакли инсон, бўлғуси она, келини воғга етказиб, эл, халқ, Ватан олдидаги бурчини адо этади. Она аввало қиз боланинг соғлом ўсиши учун меҳрибонлик қилиши, сўнг унинг ақлий, эстетик ривожланишини таъминлаши, ўқитиши, ҳунар ўргатиши, оиладаги дастурчиликка чиниқишини, хуштабиат, хушхулқ, хушмуомалали бўлишига эришиши керак.

Қиз улғайиб боргани сари унга янги-янги талаблар қўйилади. Яъни келгуси ҳаётига тайёргарлик бошланади. Келажақда у бу уйни тарқ қилиб, бошқа хонадонга келин бўлиб бориши бот-бот эслатиб турилади, токи қиз қалбида «шаҳзода» — умр йўлдоши бўлиш истаги учун ола бошласин... Қиз бола онаси билан борадиган оиласида нималарга эътибор бериш, илтифот кўрсатиш, дастурхон тузаш, чой узатиш, таом тайёрлаш ҳақидаги ўз режаларини ўртоқлашса қандай яхши!

Ўзбек халқида қизини иложи борича эртароқ — 16-17 ёшдан турмушга бериш одат бўлган ва бу ҳанузгача давом этиб келмоқда. Чунки иқлимимиз иссиқ, қизлар эрта етилади, шу сабабли дуркун ўсган қизлар дарров кўзга кўришиб қолади ва совчилар сўраб кела бошлайди. Кўп оилаларда «биринчи совчи Оллоҳ томонидан юборилади», деган нақл бор. Ота-она сўраб-суриштирмай, ёш қизини дарров турмушга беришади. Бу нотўғри, ҳали пишиб етилмаган қиз бошқа оилада фаолият кўрсатишга тайёр бўлмайди, ҳали ўқишни битирмай, бирор касбинг бошини ушламай, бола боқишдек мураккаб жараённи тўғри бошқара олмаган қиз қандай она бўла олади?

Совчилар аввало қизнинг онасига разм соладилар. Унинг ташқи, ички олами, уй-рўзғордаги саранжом-сарашталликни зимдан кузатиб, сўнг бу оиладан қиз олиш мумкинми, йўқми? — деган мушоҳада билан қайтадилар. Еқса яна ташриф буюрадилар...

«Қизлик уй сарой» дейишган ота-боболаримиз. Совчиларнинг кети узилмайдиган хонадонларда ўсиб-унган «қиз пошша»га ҳавас қилса арзийди. Чунки совчилар ҳам ҳар бир хонадонга ўз-ўзидан кириб бормайди. Аввал маҳалладан, қариндош-уруғлардан «қиз пошша»нинг таърифини эшитиб, сўнг шу хонадонга келадилар.

Ҳаёт тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, айрим оилалар, айниқса оналар миллий урф-одатларимиз, яъни анъаналаримизни унутиб, совчилар олдида бир пиёла чой қўймай, рад жавобини беришади...

Эмишки, қувёв туранинг машинаси йўқ экан, «дом»да тураркан, биз дангиллама уластакса бор йигитга қизимизни берамиз, — деб совчиларнинг юнгига дангал айтидиган, бефаросат оналар ҳам йўқ эмас.

Маҳаллаимизда катта обрў-эътиборга лойиқ профессор яшайди. 5 ўғилдан сўнг қиз фарзанд кўришган эди. Исми Умидаҳон. Қизалоқни севиб, ардоқлаб ўстиришди, ҳунар ўргатишди, мусиқа мактабларида ўқитишди. Бўйи етиб бир хонадонга келин бўлиб тушди. Ёлғиз ўғилларига Умидаҳонни келин қилган қайнона, қайнота хурсанд бўлиб уни ер-қўкка ишонмай, пойига поёндоз сола бошладилар. Умидаҳон эса баттар талтайиб ўзини бошқача тутиб, босар-тусарини билмай, қайнона, қайнотаси, ҳатто қувёв тўрадан камчилик топиб, уйига борганида онасининг пинжигача тикилиб, ҳали уни, ҳали буни ёмонотлик қилиш одатини чиқарди. Шунда она:

— Ҳой қизим, шукр қил, қайнота ва қайнонангни ҳурмат қил дейиш ўрнига:

— Бо худо, мен шундай парирухсор қизимни берсам, улар ҳали сенинг қадрига етишмаяптими? Қўй қизим, қадр-қимматингни бил, ҳали болали бўлсанг ҳолингга маймуналар йиғламасин тагин. Бугун шу ерда қола қол, қани қайнонанг, эринг кидириб келишса, ўзим уларни боппайман, — деб она қизини олиб қолибди.


Лекин бу гап отага ёқмабди. Кечкурун унинг ўзи қизини кўярда-қўймай уйига олиб бориб қўйибди.

Лекин кунлар, ойлар ўтгач, Умида етти ойлик ҳомиласи билан кўч-кўрони билан отасиникига қайтиб келибди, деган дув-дув гап маҳаллага тез тарқалди. Маҳалла оқсоқоллари ўртага тушишди, барибир натижа бўлмади. Бола бир ёшга кирганда улар суд орқали ажрашди. «Характеримиз тўғри келмади» деган ваҳни айтибди, «қиз пошша». Аброр фарзандининг тирик етим бўлмаслигини ўйлаб, суддан сўнг ҳам Умидалар уйига бора бошлабди. Қайнона эса уни кўпол муомала билан қайтарибди.

Уч йилдан сўнг ота-онаси Аброрни уйлантиришди. Умидадан ўн чандон кўхлик, одобли, меҳнатсевар қизни келин қилишди. Янги келин тезда оилага қўшилиб, қайнота, қайнонанинг иззат-ҳурматида сазовор бўлди.

Умиданинг тақдирини не кечди экан?! Ҳаётга энгил қараган Умида ва унинг онаси албатта пушаймон қилишган бўлсалар ажаб эмас.

Кумир АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори, профессор.



Оила даврасида сўхбатлар

Ўзингиздан катталарни ҳурмат, иззат-икром қилсангиз, дархол салом бериб, жой берсангиз ҳамда ўзингиздан кичикларга шафқатли бўлсангиз, албатта, келажагингиз ёруғ ва порлоқ бўлади, мурод-мақсадларингизга етасиз. Лекин афсус надоматлар бўлсинки, турмушда, кўча-қўйда, жамоат жойларида оз бўлса-да, айрим одобсизликлар, кўнгилсиз воқеалар учраб туради.

...Ҳар кунни ҳар ким эрта билан ишга, ўқишга ёки бирор юмушга ўз вақтида бориш (кечқурун эса қайтиш) учун ошади. Кимдир у транспортдан, кимдир бу транспортдан фойдаланади. Айниқса, энг ишончли транспортлардан бири бўлган — метронинг кўпгина бекатларида: «Хурматли йўловчилар! Илтимос, ёш болали, ногирон ва ёши катта йўловчиларга жой бериң!» деган эълонни эшитасиз. Аммо азиз ёшлар, талабалар сизлар ҳам эшитасиз-у, ёнғингиз демайсиз?! Ўзингиздан катталарга жой бериш баъзан хаёлингизга ҳам келмайди.

Ахир бекатлардаги ўриндиқлар (айниқса, бўш ўриндиқлар) ёки метро вағони (салони) ичидидаги ўтирадиган жойлар сиз ёшлар учун эмаску?! Ўзингиздан ёши катталарни ҳурмат-иззат қилиш ўрнига ҳаммадан аввал туртиб-суртиб тезроқ жой эгаллашга — ўтириб олишга ҳаракат қиласизлар. Кўпгина қариялар, ўзингиздан ёши катталар ва ҳатто ёш бола етаклаётган аёлу эркакларни ҳам назар писанд қилмайсизлар.

транспортнинг барча турларида ҳам ҳар бир бекат номи ҳайдовчи томонидан эълон қилиб борилад эди, шунингдек, чиптачилар эса зинхор-базинхор ҳайдовчининг олдида кириб олмас, гаплашмасди. Чунки чип-

Мунозаза

ИЗЗАТ ҚИЛСАНГ, ҲУРМАТ КЎРАСАН

Ҳақиқатан ҳам, шундай. Умри давомида ҳар бир инсон бунга гувоҳ бўлади. Доно халқимиз: «Қайтар дунё» деб бежиз айтмаган.

тачининг ўз ўрни бўларди. Ҳозирчи? Аксини кўрасиз...

Айрим автобус ҳайдовчиси кабинасининг тепасида «Харакат давомида ҳайдовчи билан гаплашманг!» деган ёзув бўлишига қарамасдан, айниқса эркак ва аёл чиптачилар ҳайдовчининг ёнида тўпналиб олишиб, гап сотишаётганини кўрасиз (айниқса, 17-трамвайда!). Авваллари транспорт ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳам, ҳар бир бекатда «Қарияларга йўл бериңлар, ёшлар орқа эшикдан чикиңлар!» деб тез-тез такрорлаб туришар эди. Ҳозирда бунинг акси бўляпти, яъни қариялар, болалар, ногиронлар билан биргаликда кўпгина талаба-ёшлар ҳам олдинги эшикка талпинишади. Ваҳоланки, ёшлар олдинги эшикдан эмас, балки орқа эшикдан кириб, олдинги эшикдан тушсалар, айнаи муддао бўларди. Ҳатто транспорт келиб тўхтайдиган

ФИРДАВСИЙ ҲИКМАТЛАРИ

- Ёмонлик уруғини эмагин зинхор, Эқдинги ёмонлик, қайтарар рўзгор.
- Жаҳонга ҳар кимки бўлса умидвор, Унга гавҳар эмас, билим бўлсин ёр.
- Қайдаки беҳуда сўз кўп айтилгай, Айтганинг қадрини бир пуллиқ қилгай.
- Ёлғон атрофида айланма сира, Энг бахтли онда ҳам дил бўлгай хира...
- Бировнинг молига чўзмагин қўлни, Мухтожга кўрсатгин энг тўғри йўлни.
- Кексайган чоғингда мастликдан юз бур, Кекса маст чехраси доимо бенур.
- Ўқиб ўрганишдан тинма бирон ой, Бўлиши истасанг ўзинг бир жаҳон.
- Ҳаётни кузатиб юравергин жим, Излама, йўқ ундан зўрроқ муаллим!
- Юрагинг гар хато йўлларга мойил, Билгинки, дунёда душманинг шу дил.

Бундан 15-20 йиллар илгар

ган бекатлардаги ўриндиқларда ҳам аксарият ёшлар ўтириб олишиб, сизгагарталарини бемалол тутатиб, чекаверадилар. Ахир бу бекатлардаги махсус ўриндиқлар чекувчилар учун қўйилмаган-ку? Сиз азиз ёшлар кўча-қўйда, жамоат жойларида ўзингиздан катталарга салом бериб, жой бўшатсангиз, нафақат ўзингизга, ҳатто ота-онангизга, таълим берган устозларингизга ҳам раҳматлар келтирасиз: «Ота-онангга раҳмат! Таълим-тарбия ўргатган устозингга раҳмат! Баракалла!» — деган миннатдорчилик сўзлари кимларга ёқмайди дейсиз?

Айрим кишилар одобсизлик ва кўнгилсиз ҳолатларни кўра-била туриб, кўрмаганга олишади...

Захириддин Мухаммад Бобур ёзгандек,
Ҳар кимки вафо қилса, вафо

топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса,
жафо топқусидир
Яхши киши кўрмағай
ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса,
жазо топқусидир.

Ниҳоят, азиз газетхонлар, юқорида келтирилган ҳолатлар кимларгадир «икир-чикир», «майда-чуйда»дек туюлиши мумкин. Аммо одобнинг, саломлашлиқнинг, иззат-икромнинг катта-кичиги бўлмайди. Одобнинг боши — салом беришдан бошланиши сир эмас-ку! Ўзингиздан катталарнинг оғирини энгил қилсангиз, уларга иззат-икром кўрсатсангиз, бир оғиз саломингизни қанда қилсангиз, албатта, Сизларга ҳам ҳурмат қайтишига ишончимиз комил.

Суннатулла РИЗАЕВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт
университети профессори,
пенсияер

Ҳикоят

ФОЗИЛ ВА ФОСИК

Донодан сўрашди:
— Фозил одам қандай бўлади?

У айтди:
— Фозил одам — файзли одам, унда ақл-заковат, фаҳм-фаросат, ифбат-назоқат кучли бўлади, феъли-атворида бажарадиган юмушига нафосат, кишиларга нисбатан саховат аломатлари жўш уриб туради.
— Фосиқ-чи?

Доно айтди:
— Фосиқ одам — писмиқ одам, унинг туриш-туруши қаҳр-қабоҳат, иғво-туҳмат, маломату касофатдан иборат бўлади, феълида — совуқлик шу тахлитки, бажарган иши ҳам «совуқ» чиқади, биров бировга яхшилик қилса ҳам унинг вужуди кўчала еган итдек тиришадди, фосиқда завқ-шавқдан ҳеч асар бўлмайди.

Назанда таслаҳати

КАРТОШКА ДЎРМА

Бир килограмм йирик картошкadan олиб, яхши-лаб ювиб, устидан қайноқ сув қўйилади. Кейин туз солиб, озроқ қайнатилади. Сўнгра картошкани арчиб, ён томонидан пича кесилади. Ўртаси ўйиб олиб ташланади. Уч юз грамм гўштини ўша олинган картошка билан бирга аралаштириб қийма қилинади. Қиймага бир донна туҳум қўйилади. Қашнич, туз, мурч солинади. Қийма картошканинг ичига солиниб ён томони ўз кесиги билан беркитилиди. Ундан кейин қозонга зич терилиб, сув қўйилади ва тайёр бўлгунча димланади. Кейин таъбга маъқул келган соус билан дастурхонга тортилади. Таом тўрт кишига мўлжалланади.

Шахмат

ФИДЕНИНГ
ТАРИХИЙ
ҚАРОРИ

2004 йилнинг 13 июль кунин Узбекистонлик Рустам Қосимжонов Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ йўналиши бўйича жаҳон чемпионилигини қўлга киритиб, шахмат тарихида янги саҳифа очган эди. Шундан буйн Халқаро шахмат федерацияси россиялик собик жаҳон чемпиони — Владимир Крамник ва ФИДЕ рейтингда узоқ йиллардан буйн пешқадамлик қилиб келаятган Гарри Каспаров, венгриялик Петер Лекко ҳамда янги чемпиони — Рустам Қосимжонов иштирокида учрашув ўтказиш орқали мутлақ жаҳон чемпиони аниқлаш ниятида эди.

Бу борада ilk қадамлар ҳам ташланди. Петер Лекко ва Владимир Крамник ўзаро учрашув ўтказди. Унда рақиблини мағлубиятга урчатган В.Крамник ҳамюрти Гарри Каспаров ва ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ўртасида ўтказиладиган беллашув ғолибни кутаётган эди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов Гарри Каспаров ва Рустам Қосимжонов ўртасидаги беллашув 2005 йилнинг январь ойида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўтказилишини расман эълон қилди...

Лекин айрим сабабларга кўра, Гарри Каспаровнинг муҳим учрашувдан бош тортгани тўғрисида мутлақ жаҳон чемпиони аниқлаш масаласи яна ечимини топмади. ФИДЕ раҳбарияти бу муаммони ҳал этиш йўлида Гарри Каспаров билан муроғаса келолмади.

Шахмат мутасаддилари анчагача бу масала ечимини қидиришди. Ниҳоят, яқинда Грузияда ўтказилган Халқаро шахмат федерацияси президентлар кенгаши йиғилишида тарихий қарор қабул қилинди. ФИДЕ мутлақ жаҳон чемпиони аниқлаш учун супертурнир ташкил этадиган бўлди ва раҳбарият турнирни ўтказиш тартиби ва вақтини аниқ белгилаб олди.

ФИДЕ раҳбариятининг қарорига кўра, 2005 йилнинг октябрь ойида мутлақ жаҳон чемпиони аниқлаш учун савқиз нафар энг кучли гроссмейстер иштирокида энг даврли супертурнир ўтказиладиган бўлди. Мазкур мусобақа ғолиби эса мутлақ жаҳон чемпиони, деб эътироф этилади.

Мутахассислар мазкур супертурнирда амалдаги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновни ва ФИДЕ рейтингда энг юқори поғонани эгаллаб турган гроссмейстерлар — Майкл Адамс (Англия), россияликлардан — Владимир Крамник, Гарри Каспаров ва Александр Морозевич, Петер Лекко (Венгрия), Вишванатан Ананд (Хиндистон) ҳамда Веселин Топаловни (Болгария) тақлиф қилишни режалаштирмоқда.

Маълумотларга қараганда, номи зикр этилган шахматчиларга 15 мартга қадар супертурнирда иштирок этиш учун шартномалар юборилади. Агар кимдир мусобақада қатнашишни истамаса, унинг ўрнига рейтинг жадвалида кейинги ўринда турган шахматчи тақлиф этилади.

Хуллас, мутлақ жаҳон чемпиони аниқлаш бўйича деярли барча масала ҳал этилган. Фақат мазкур турнирда мезбонлик қиладиган шаҳар аниқ эмас. Хозирча, ФИДЕ турнир мезбонини аниқлаш бўйича тендер эълон қилди. Шартга кўра, мусобақанинг муқофот жамғармаси энг камида 500 минг АҚШ доллар миқдориди бўлиши керак. Лекин мутахассислар бу жамғарма ярим миллион доллардан ошиб кетиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Айни пайтда Элиста (Россия), Тбилиси (Грузия), Ереван (Арманистон) ҳамда Сингапур (Сингапур) шаҳарлари тарихий турнирда мезбонлик қилиш ниятида эканини маълум қилган. Тендер 15 апрелгача давом этади.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Яқинда бир хориж телеканали кўрсатувларидан бирида ўрта ёшли бир аёл ити йўқолиб қолганини, уни топиш учун ёрдам беришларини кўрсатув ижодкорларидан кўз ёш тўкиб, ялиниб-ёлвориб илтимос қилди. Балки аёл ўзича ҳақдир. Лекин бу ҳолат бизга ғалати кўринди. Яхши ният ва умид-ишонч билан бедарак йўқолган нуридийдасини ёки яқинларини излаётган ота-оналарнинг аччиқ изтироблари олдида, йўқолган ит учун кўз ёш тўкиш кулгили туюлди.

Зинхор-базинхор биз бу ўринда аниқ бир хулоса чиқариш фикридан йироқмиз. Лекин фарзанд қадр-қиммати қайдаю, итнинг қиммати қайда деган гапни айтиш ўринли деб ўйлаймиз.

Азалдан уй ҳайвонлари қатори ит боқиш кўплар учун одатга айланган. Одамлар итни зарурий эҳтиёж учун боқшади, уни барча уй ҳайвонлари қаторида авайлаб-асрашади. Масалан, чўпонлар кўй-қўзиларни оч бўриллардан химоя қилиш, уй эгалари кундуз ва кечалари очик-сочик қолган ҳовлиларини беғона кўзлардан асраш, овчилар эса ўлжаларини топиб келтириш учун ит боқшади. Ички хизматлар юзасидан ҳам итлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Кўриб турибсизки, итнинг ҳам ўзига яраша зарур ва керакли томонлари бор. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин баъзи хаваскор ит боқувчиларнинг «хурмача қилиқ»лари кишини ранжитмай қўймайди. Қизиғи шундаки, бундай хаваскорларнинг сони йил сайин ортиб бораётти. Қўпинча шундай ишқибозлар қўлига яхшироқ, зотдорроқ ит тушиб қолса борми, дарҳол эскисидан воз кечиб, охир-оқибатини ўйламай, уни тўғридан-тўғри кўчага ҳайдаб юборишади-да, янгисини парваришлашга тушишади. Шу тўғрисида кўчаларда дайди итлар сони ортиб бормоқда. Ҳаётий мисолларга мурожаат қилайлик.

Тўққиз қаватли уйларда яшовчи икки қўшнингиз ўртасидаги можорога ит сабабчи бўлди. Шу тўғрисида улар сан-манга боришди, ҳатто иш ёқа бўғишгача бориб етди. Хар кунги одат бўйича Холдор ака итни айлантганни бошқоқсиз кўчага олиб чиқди. Озодликка чиққан ит ўйнақлаб, тўп телиб юрган болалар томон югурди. Улар ўртасидаги тўпни тишлаб ҳеч қимни қилинган келтирмай ириллай бошлади. Кичкина Маъруфжон итни «Қоплон, Қоплон» дея эркалаб, унинг оғзидаги тўпни оёғи билан тепиб олмоқчи бўлганда, Қоплон тўсатдан кичкинтойнинг оёғига ташланди. Эгаси келиб итни ажратиб олгунча болакай анча азият чеқди.

Сафар ака юз амри иссиқлик қилиб кўшнисига индамади. Эртасига боласини етаклаб шифокорга олиб борди. Мутахассислар болага озор этказган итни ҳам олиб келишни, уни албатта ветеринария кўригидан ўтказиш лозимлигини айтишди.

Сафар ака кўшнисига ётиги билан бу гапни этказди. — Кўрқманг қўшни, — деди Холдор ака норози қиёфада. — Болангизга бало ҳам урмайди, тузалиб кетади. Лекин итмин олиб борсам шифокорлар унга турли муолажа кўрсатаман деб анча қийнашади.

Бу гап Сафар акага ёқмади. — Ие қўшни, итингиз боладан азиз бўлдимми?

— Хар қимниги ўзигада қўшни. Сафар аканинг баттар асаби қўзиди.

— Галингни қарая, мен сени туппа-тузук одам деб юрсам итдан баттар экансанку.

Даҳанаки жанжал жангга айланди. Ўртага қўшнилар аралашиб уларни ажратиб қўйишди. Барибир бўлмади. Холдор ака итни кўриқдан ўтказишга мажбур бўлди. Шифокорлар итдан чиндан ҳам кутуриш аломати борлигини аниқлашди. Кичкина Маъруфжон

шифо чорасини кўриш учун зудлик билан касалхонага ётқизилди.

Охир-оқибат Холдор ака итдан айрилди. Кичкинтой Маъруфжон узоқ муолажадан сўнг, шифо топиб уйига қайтди. Шундан бери икки қўшни юз кўрмас. Агар Холдор ака ит ва бошқа уй ҳайвонларини сақлаш тартибида белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилб, итнин вақти-вақтида санитария кўригидан ўтказиб турганида, кўчага уни тумшукбоғ ва бўйинбоғ боғлаб

Муносабат

ҲАР БИР
НАРСАДА МЕЪЁР
БЎЛГАНИ ЯХШИ

Ҳар қимнинг таъби, хоҳиш-идроқи ҳар хил. Биров яшил табиатни, яна биров эса ҳайвонот оламини яхши кўради. Зеро, дунёда ҳеч бир инсон йўқки, у ўз касб-коридан ташқари яна бошқа бирор юмушни ёқтирмаган бўлсин. Бўш вақтларида юрт, эл, қолаверса оиласи учун бирор нафи тегадиган машғулотлар билан шуғулланидиган одамларни кўргангизда уларга ҳавас қиласан. Аксинча, фақат бекорчиликдан дил хуши учун бўлар-бўлмас ишлар билан вақтини беҳуда ўтказётганларни учратганингизда дилинг ранжийди. Албатта беш қўл баравар эмас. Билиб турибмиз биз юқорида таъкидлаётган фикрлар ҳам қимларгадир маъқул тушар, балки қимлардир уни инкор этар. Бу ҳам ҳар қимнинг ўз хоҳишига ҳавола.

олиб тушганида юқоридаги кўнгилсиз ҳолат рўй бермасди. Тўғри, ит тишлаганда ҳар доим ҳам инсон кутуриш касалига мубтало бўлавермайди. Бирок, шундай экан деб бепарво бўлиш ҳам ярамайди. Хар қалай хавфсизлик чораларини олдиндан кўрган яхши-да.

Башанг қийинган қадди-баста келишган аёлларнинг кўчада атайлаб итни айлантариб юрганни кўриб ҳайрон қоласан киши. Бу нима— бекорчиликми ёки ишқибозликнинг бир турими? Энг ёмони, қўпинча улар итларини бўйинбоғсиз сайрга олиб чиқшади. Бошвоқсиз ит тишламасада, ўтган-кетганга югурилаб, қийимларига сурқалиб уларни беэовта қиладди. Ёш болаларни кўрқатади. Эгаси эса бепарво: «Кўрқма, тишламайди», деган сўзни такрорлаб қўяди. Ахир бировга зиён-заҳмат этказмасасада, лекин ўзи томон югурилаб келаётган ваҳожатли итни кўрган ҳар қандай одам ҳам хавфсирмайди, деб қим атай олади. Уша итнинг эгаси билан шундай ҳолат юз берса кўрқамасмикан? Кўрқадми.

Шахши хонадонларда дала ҳовлиларда ит боқиш балки зарурият тўғрисида. Лекин кўп қаватли уйларда ит боқишни билмадик, нима зарурияти бор экан. Аксарият шундай оилалар бола-чақаси билан бир хонага текилиб, иккинчи хонани атайлаб ит учун махсус жиҳозлаб беришганини кўриб ҳайрон қоласиз. Ўзи бир томонда, итти ўзи томонда овқатланаётган, ҳатто ўзи емай итга едиратган оилаларни учратиш унчалик қийин эмас. Биз бу билан ҳеч қим ит боқмасин, деган фикрдан йироқмиз. Лекин ҳамма нарсанда меъёр, тартиб-қоида бўлгани, атрофдагилар ва қўни-қўшниларга зарар этказмаслик масалаларига бепарқ бўлмаслик керак, демоқчимиз. Шундайларга уй ҳайвонларини асраш масалалари билан боғлиқ тартиб-қоидаларни эслаб қўйиш фойдадан холи бўлмас. Унда ит ва бошқа уй ҳайвонларини сақлаш тартиби аниқ кўрсатилган. Бу ҳужжатда кўп қаватли уйларда ит ва бошқа ҳайвонларни сақлаш учун қўни-қўшниларнинг розилигини олиш, итнин вақтида ветеринария кўригидан ўтказиш, кўчада тумшукбоғ ва бўйинбоғ билан олиб юриш лозимлиги қайд қилинган. Лекин афсуски, қўпинча бу талабларга риоя қилинмаслиги ҳоллари мавжуд.

Кўпчилик оилалар кўп қаватли уйларга янги кўчиб келган вақтларида уйлар оралиғидаги бўш ётган жойлардан томорқа сифатида фойдаланиш учун талашиб-тортишади. Лекин баъзилар бу томорқаларни дараклар,

гул қўчатлари экиб яшатиб қўйиш ўрнига уни оддийгина қилиб айтганда молхона, кучукхона, чўчкахона, каптархонага айлантариб қўйишади. У ердаги антисанитария ҳолатлар билан уларнинг иши йўқ. Қўшиллар муносабатини инобатга олишмайди. Баззан ўртага бирор масъул шахс ёки оқсоқол аралашган тақдирда ҳам қилмишларини маъқуллаб, ўзларини оқлаб туришаверади. Ахир кўп қаватли уйларда озмунча одам ашайдимми?

Нега энди бир кишининг ўзбошимчалигини кўпчилик азият чекиши керак? Қолаверса, кўп қаватли уйлар оралиғида ва атрофдаги томорқалар ҳайвонларни боқиш ёки кўринган кўзга хунук ташланадиган даражада уларга чала-ярим бошпана ясаб бериш учун эмас, балки шу уйда яшовчилар баҳра оладиган яшил зона яратиш мақсадида берилди.

Келинг, яна асосий масалага қайтайлик. Ҳаётимиз давомида бир неча бор хонаки ёки дайди итлар етказган озордан изтироб чекиб кўз ёш тўққанларнинг гувоҳи бўлганмиз. Агар бу ҳолатни биргина Акмал Икромов тумани бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, масала янада ойдинлашади. Масалан, 2002 йилда 650 та, 2003 йилда 614 та, 2004 йилда 625 тадан ортиқ фуқаролар итдан жараҳат олишган. Уларни даволаш учун қанча оврагарчилик, кўнгилсизликлардан ташқари қанча маблағ сарф бўлган. Мутахассисларнинг айтишлари бўйича ҳар бир доза эм дорининг қиммати 7 минг сўм турар экан. Ана энди шунга қараб ҳисоб-китоб қилаверинг.

Итларнинг яна бир ашаддий ишқибозлари борлиғи ҳақида сўз айтмай илоҳимиз йўқ. Улар ит урштириш ишқибозлари. Бу тоифа одамлар кўпроқ зотдор итларни асрашади. Кеча кундуз ит парвариши билан шуғулланишади. Унинг кучга кириб етилиши учун нимаки бўлса муҳайё қилишади. Қанча маблағ кетса-кетсин, ишқилиб итлари бакувват, бир ҳамла қилганда рақиблини қийратадиган бўлиб етилса бас. Боқувчилар ит уларнинг наздида росмана етилганда «жанг майдони»га етаклаб келишади. Тенгини топиб уларга қўйишади. Агар итлари рақибидан устун келса ўша кун улар учун байрам, агар энгилса мотам. Оила аъзолари юрак ховучланиб, ишқилиб «адасининг ити», ютсинда, деган ниятда ўтиришади. Акс ҳолда уйда жанжалнинг қаттаси бўлишини ҳис этиб туришади.

Агар хотира адаштирамасан, бир вақтлар «Ит етаклаган хоним» фильми экранларга чиқарилганди. Шу қиснога таҳассуф қилиб кўчаларда ит етаклаган аёллар, (эркаклар ҳам бундан мустасно эмас) кўллаб учрайдиган бўлиб қолганди. Лекин улар аксарият ҳолларда итларини ювиб-тозалаб, санитария кўригидан ўтказиб, одамларга зиён-заҳмат этказмайди-деган қилиб, кўчаларга олиб чиқишарди. Хозирда ҳам кўп қаватли уйлар атрофида шундайларни кузатиш мумкин. Лекин афсуски, уларнинг кўпчилиги қонун-қоидани четлаб, итларини эркин қўйиб юборишни маъқул кўришади. Шулардан бирини суҳбатга тортганимизда: «Бечора эрталабдан кечгача уйда сикилиб ётади, хар қалай бошвоқсиз эркин, ўйнақлаб юрса дуркун ўсадида», деган гапни айтди.

Албатта, тўрт оёқли бирор жониворни ёқтирган ва асрашни маъқул кўрган инсон унинг боқуви ва парвариши билан ҳам ўз вақтида шуғулланиши табиий. Лекин шундай юмушни ўзига эп кўрган одам хар қандай ҳолатда ҳам бу хусусда белгиланган меъёрий тартиб-қоидаларни унутмагани маъқул.

Максуд ОРИПОВ

Спорт

ЁШЛАРИМИЗ МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Латвия пойтахти Ригада стол тенниси бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида қизлар қилди халқаро турнир ташкил этилди. Унда Болтиқбўйи Республикалари — Латвия, Литва, Эстония билан бирга мамлакатимизнинг ҳам ёш теннисчилари галаба учун кураш олиб боришди.

Шуни айтиш керакки, турнирда юртимиз спортчилари қатор биринчи ва совринли ўринларни эгаллаганлари ҳолда мутахассислар ва мухлислар эътиборига тушибди. Жумладан, 1987-88 йилларда тузилган қизлар баҳсида хурмат шохсупасининг барча погоналари ҳамюртларимизга nasib этди. Бунда Нафиса Каримова мусобақа голиби бўлди. 2 ва 3-ўринларни Мадина Аюпова ҳамда Алия Исмоилова эгаллашди.

Шу ёшдаги ўғил болалар ўртасида Евгений Цой иккинчи бўлди.

15-16 ёшли қизлар ўртасида мусобақанинг олтин ва кумуш нишонларини юртодшаримиздан Нафиса Каримова ва Гулчехра Хусенова қўлга киритишди. Бу баҳсда ўғил болалар ўртасида Евгений Груцкий (Ўзбекистон) учинчи бўлди.

1991-93 йилларда тузилган қизлар ўртасида ҳам, ўғил болалар баҳсида ҳам ҳамюртларимиз Гулчехра Хусенова ва Евгений Груцкийларга тенг келадиганлар топилмади.

Ушбу муваффақиятлар юртимиз ёш теннисчиларининг умумжамоа ҳисобида ҳам голиб чиқишлари учун имкон яратди.

ПОЙТАХТ ЖАМОАСИ ГОЛИБ

Самарқанд вилоятининг Жума шаҳрида 12-13 ва 14-15 ёшли ўсмирлар ва қизлар ўртасида енгил атлетика бўйича Республика мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақаларда 300 га яқин ёш, умидли енгил атлетикачилар иштирок эттишди.

14-15 ёшлилар баҳсида биринчи гуруҳда Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти спортчилари ўртасида умумжамоа ҳисобида голибни аниқлаш юзасидан жуда кескин ва мurosасиз баҳс кечди.

Мусобақа якунланганида очколар сарҳисоб қилиниб 248 очко тўплаган Тошкент-1 жамоаси голиб чиқди. Иккинчи гуруҳда эса Жиззах вилояти ёш енгил атлетикачилари барча рақибларидан устун келишди.

12-13 ёшлилар ўртасида ҳам биринчи гуруҳда Тошкент-1 жамоаси барча рақибларидан устун кетди.

Мусобақа якунларига кўра Марказий Осиё мамлакатлари иштирокидаги халқаро турнирда қатнашувчи терма жамоамиз сафига номзодлар саралаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

«Радиодеталлари»
дўкони ҳар хил
турдаги
радиодеталлари,
электрон техникаси,
аудио, видео ва ўлчаши
аппаратураларини
харид қилади ва
сотади.
Телефон: 68-93-93.

Форумлар

СТОМАТОЛОГИЯ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Шаҳримизда "Dental Salon Uzbekistan" биринчи халқаро стоматология форуми қизгин давом этмоқда. Сihat-саломатлик йилда ниҳоятда долзарб ҳисобланмиш ушбу кўргазманинг ташкилотчилари — Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Стоматологлар ассоциацияси, Россия Стоматологлар ассоциацияси ҳамда Республика ортопедик стоматология марказидир.

Ушбу тадбирнинг фойдали жиҳатлари кўп. Яъни стоматология форуми доирасида халқаро илмий-амалий конференция, мавзувий семинар ҳамда стоматология асбоб-ускуналари ва материалларининг кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Демак, тадбир давомида нафақат соҳадаги охири янгиликлар билан танишиш, ҳамкасбларнинг тажрибаларини ўрганиш, балки хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши мутахассислар эътиборига янги лойиҳалар ва технологияларни ҳавола қилиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, республика мида кейинги йилларда стоматология хизматларини ташкил қилиш тизими тубдан ўзгарди. 400дан ортқ объектлар хусусийлаштирилди, 500 дан зиёд хусусий стоматология клиникалари ва бўлимлари ташкил этилди, 600 дан ортқ шифокорлар хусусий таразда стоматология хизматларини кўрсатиш учун тегишли лицензиялар олдилар.

Натижада бу соҳада давлат сектори тез ривожланиб бораётган хусусий сектор билан "қўшни" бўлиб қолди. Бундай хайрли ўзгаришлар бутун хизмат кўрсатиш соҳасининг қайта бунёд

этилишига имкон яратди. Эндиликда мижозлар ўзлари учун шифокорни ўзлари танлаб олишлари мумкин. Бошқа томондан ёндошганда эса, жадал ривожланиб бораётган хизматлар кўрсатиш бозори ўз иштирокчиларини даволаш усуллари қўллаш, замонавий материаллардан фойдаланиш ҳисобига хизмат кўрсатишни яхшилашга ундайди.

Айни шу каби форумлар аҳоли саломатлигини яхшилашга йўналтирилгандир.

Тадбир давомида кеча бўлиб ўтган "Стоматологияда янги технологиялар" мавзусидаги илмий-амалий конференция мутахассислар эътиборини тортиди.

Анжуман давомида шифокор қабулидаги мижозларнинг руҳий ҳолатидан тортиб, реставрация материалларининг эстетик имкониятлари, стоматология муассасалари тузилмасини такомиллаштиришга бўлган масалаларга тўхталиб ўтишди. Мазкур анжуман доирасида "Degudenting керамик массалари" мавзусидаги мавзувий семинар ҳам бўлиб ўтди.

Сўйорида тилга олинган назарий конференцияларга муайян маҳсулот-



лар кўргазмасининг уюштирилиши амалий уйғунлик бахш этди. Стоматология анжумаларининг кўргазмасида Ўзбекистон, Россия, Италия, Германиядан 9 та компания ўз экспозицияларини намойиш этмоқда. Ундан таш тухнаси лабораториялари учун анжомлар, тиббиёт мебеллари, рентген-материаллар, ихтисослашган наشرлар ўрин олган.

Уйлаймизки, стоматология форуми мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига оз бўлса-да ўз ҳиссасини қўшади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа. Дилшод Юсупов (ЎЗА) олган сураат.

Мунажжам башорати

ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕАЛАР ШОҲИДИ БЎЛАСИЗ

4 МАРТ, ЖУМА

Мунажжамлар фикрига кўра, бу кун Ахура-Мазда кунини бўлиб, инсондаги ижодкорлик илҳоми жўш урадиган кун ҳисобланади. Эскилик нураб, барбод топса, янгилик кунга киради. Шунинг учун ҳам яхши режалар тузиш, янги ишларни бошлаб юбориш омадли бўлади.

Янги бошлаган ишингиз фақат бир шарт — яъни унда ижодкорлик, ижодий изланиш яққол намоён бўлиши билан муваффақиятли яқун топади. Яна бир муҳим омил шундаки, сиз бу ишга гоят жиддий ва узққни кўзлаб қиришингиз, танлаган йўлингиздан оғишмай боришингиз керак бўлади.

Бугунги кун шахсий муваффақиятлар, юксакликка парвозлар кунини бўлиб, жамоалар учун унчалик омадли бўлмайди. Шунинг учун куннинг биринчи ярмини жиддий ишларингизга, оқшом ва кечани дўстлар билан кўнгул очиш, дам олишга бағишлаш мақсадга мувофиқ. Эътиқодсиз кишилар учун ҳам бу кун омадли бўлмайди.

Мунажжамлар бугун зўравонлик ва ишқий саргузаштларни қатъиян тақиқлашади. Бугунги жума йирки молиявий тасодифлар билан ҳам нишонланиши мумкин. Жиддий музокаралар ва йирки харидларни ҳам бугунги кундан кейинроққа суринг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ХУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Сиз хизматда, сафарда, меҳмонда, дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида, кино ва театрда, кундалик ташвишлар билан бозор ва транспортларда юрган пайтингизда хонадонингиз ва мулкнингизни жиний тажовузулардан ким ҳимоя қилади?

Бундай хизматни шаҳримиздаги Марказлаштирилган кўриқлаш пульталари бажаради. Ушбу пульталар бу борадаги энг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан энг арзон кўриқчидир!

Хонадонингиз ва мулкнингиз дахлсизлигини истайсизми?

Марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси хузуридаги Кўриқлаш бошқармаси ва туман кўриқлаш бўлимларига мурожаат қилин!

Мурожаат учун телефонлар:

133-37-83, 134-01-69, 133-01-44

"Тошкент-АЭРО"

Ихтисослаштирилган божхона комплекси янги маъмурий биноси ойналарига вертикал жалюзилар тайёрлатиб харид қилишга ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун телефон:

120-86-30

Ички: 41-51

41-52

Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қабул қилинади.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилми: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5009 нусхада босилади. Қоғоз бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.